
СИРДАРЁЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР, МАСЛАҲАТ ВА ЁРДАМЛАРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 131 (3359). | Чоршанба, 6 июль 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҲАМКОРМИЗ, КЎМАКДОШМИЗ

Дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик. Бу сўзлар ҳар бир совет кишисининг дилига, қалбига, ҳаётига абадий сингиб кетгандир. Ана шу дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни ишчи дастгоҳида ҳам, деҳқон даласида ҳам, олим лабораториясида ҳам, ҳамма ерда, ҳар бир ишда, ҳар биримизнинг онгида ва ҳаётимизда ёркин кўриш мумкин. Улкан зафарлар қучаётган эканмиз, чўли-биёбонларни забт этиб, янги ерларни ишга солаётган ва янги шаҳарлар, қишлоқлар барпо этиб, колхоз ҳамда совхоз далаларида моддий бойликлар яратаётган эканмиз — буларнинг ҳаммаси дўстлигимиз, қон-қардошлигимиз, ажойиб ҳамкорлигимиз натижасидир.

Халқларимиз ўртасида яна бир ажойиб традиция бор. Бу бир неча йилардан буён ўзининг порлоқ самарасини бермоқда. Саноатчилар, пахтакорлар, маданият ходимлари, қисқаси ҳар бир касб ва ҳунар эгаси бошқа республикалар, шаҳарлар ва районларнинг, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари билан ўзаро социалистик мусобақа ўйнаганлар. Бу ажойиб ҳаракат умумий юксалишимизга, партия ва ҳукумат томонидан олдимизга қўйилган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажаришимизга катта фойда бермоқда.

Шу кунларда областимиз далаларида мусобақадош Сирдарё области пахтакорлари вакиллари ўзаро социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини кўздан кечирмоқдалар. Яна бир неча кунлардан сўнг қардош Тожикистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа республика ҳамда областларининг пахтакорлари республикамизга, шу жумладан областимизга келадилар.

Пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар ва деҳқончиликнинг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган ажойиб кишиларимизнинг бу учрашувлари, дўстона суҳбат ва ёрдамлари, ҳаққоний эътирозлари, таклиф ва мулоҳазаларни ҳақиқий дўстлик рамзи, қон қардошлик нфодасидир. Сирдарёликлар областимизнинг бир-неча район, колхоз ва совхозларида бўлдилар. Бу йилги юксак социалистик мажбуриятни тўла ҳис қилган ҳолда, табиий офатларга бардош бериб, мўл ҳосил тўплаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларнинг ишлари уларни гоят хурсанд қилди. Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларидаги илғор хўжаликларда бутун куч ва эътибор ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишга, ҳамма майдонларда кўчатни тезроқ ҳосилга киритиб олишга қаратилган. Масалан, Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхозда машҳур механизатор Турсуной Раҳмова бошлиқ бригада аъзолари, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Янгийўл районидаги «Интернационал», Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда», «Северний маяк» ва бошқа колхоз ҳамда совхозларда ғўза деярлик ёппасига гуллаб, айрим жойларда ҳар тупда 2—3 тадан кўсак туккан. Бу хўжаликларда суғориш, озиқлантириш, қатор ораларига ишлов бериш кўнгилдагидек бормоқда.

Мусобақадошлар меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини, колхоз ва совхоз қишлоқларини обод қилиш соҳасида олиб бораётган ишларни, колхозчилар ва совхоз ишчиларига маданий-маиший шароитлар яратиб беришда, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишда кўпгина янгиликлар борлигидан, ибратли ва ўрганса арзийдиган тажрибалар мавжуд эканлигидан мамнун бўлдилар. Лекин шу билан бирга мусобақадошларимиз ҳали кўпгина жойларда ҳосил тўплаш, ғўза парваришини кучайтириш, ишни ташкил этиш, илғор, прогрессив тажриба ва методларни оммалаштириш соҳасида кўпгина камчилик ва хатоларга йўл қўйилаётганлигини ҳам очиб ташладилар.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг бригадаларида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Свердлов номли колхознинг К. Маркс участкасида ишлаётган Турғунбой Тугалбоев бошлиқ бригадада суғоришга эътибор берилмаяпти. Бу ерда сув исроф бўлмоқда. Экинлар бостириб суғорилмоқда ёки чанқатиб қўйилмоқда. «Ўзбекистон» колхозининг бригадаларида ҳам суғоришга нисбатан ана шундай нотўғри муносабатда бўлинмоқда.

Июль — пахтачиликда, айниқса ҳосил тўплаш, ҳосилга ҳосил қўшишда долзарб, ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Ғўза парваришини, озиқлантириш, суғориш ва бошқа ишларни оби-тобида юқори сифатли қилиб ўтказган деҳқон мўлжалга ва мақсадга эришиш мумкин. Аксинча бунга эътибор қилинмаса вақтдан ҳам, ҳосилдан ҳам ютқазиш ҳеч нарса эмас.

Шу кечаю-кундузда ҳар бир пахтакор, механизатор, колхоз ва совхоз раҳбарлари меҳнатни тўғри ташкил этиш, ишчи кучларни ва техника воситаларини ғўза парваришига тўла сафарбар қилишдек гоят муҳим ва масъулиятли вазифа турибди. Мусобақадош сирдарёликлар ишимиздаги камчиликларни тўғри ва ҳаққоний кўрсатиб бермоқдалар. Шу билан бирга улар қимматли маслаҳат ва таклифларини айтмоқдалар. Асосий вазифа — ана шу дўстона маслаҳатларга амал қилиш, ғўза парваришн ва ҳосил тўплаш соҳасида содир бўлаётган камчиликларни тезда тугатишдан, улкан хирмонга замин яратишдан иборатдир.

Хоразмлик пахтакорлар ажойиб ташаббус кўрсатдилар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Янгийўл районидаги «Интернационал» ва Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозларининг ижобий ва ибратли ташаббусларн ҳам ҳамма ерда қўллаб-қувватланмоқда. Бу хўжаликлар бу йилги вазнятда пахтани кўпроқ машинада теришга эътибор бермоқдалар. Шу мақсадда ерлар тайёрланмоқда, машиналар ремонт қилинаяпти, механизаторлар курсларда ўқитилмоқда. Барча колхоз ва совхозларда бу ташаббускор ва илғор хўжаликларнинг олижаноб ишларн ва ажойиб ҳаракатларнн қўллаб-қувватлайлик, кенг ёяйлик.

Партиямизнинг XXIII съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми олға сурган ҳаётий масалалар ва тадбирлардан руҳланган областимиз пахтакорлари она-Ватан олдида олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун янада ғайрат ва шижоат билан ишлайдилар. Бутун куч ва имкониятларни ғўза парваришига сафарбар этиб, ҳар бир тупда мўл ҳосил тўплаш учун курашадилар. Ўз дўстлари, мусобақадош қўшнилари сирдарёлик пахтакорларнинг қимматли маслаҳатларн, дўстона ёрдамларига ҳамма соҳада, ҳар бир ишда амал қиладилар. Халқларимизнинг ҳамиша барҳаёт, ҳамиша қудратли ва порлоқ ленинча дўстлиги, қардошлиги ва ҳамкорлиги абадий яшнайверсин.

ПАРВАРИШГА ЗЎР БЕРИНГ

Мусобақадош сирдарёликлар Ўрта Чирчиқ районидаги кўпгина хўжаликларда бўлишиб, деҳқонларнинг ишларидан хурсанд бўлишди. Баракали меҳнат қилаётганларни мақташди, камчиликларга йўл қўйган кишиларнинг яқин кунларда қилинишн лозим бўлган ишларга эътиборларини қаратдилар, мўл ҳосил тўплаш юзасидан ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Киров номли совхозда сершавж ғўзалар кўп. Лекин ўсишдан орқада қолаётган ғўзалар ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади. 2-бўлимнинг ўртоқ Ш. Аббосов бошлиқ бригадасида ташвишли аҳвол рўй берди. Бу ерда яганаининг сифатига эътибор берилмаган. Ғўза бегона ўтлардан тозаланмаган.

Мусобақадошлар бўлим бошқарувчиси ўртоқ Г. Пак нинг раҳбарлик иш услубидаги камчиликларнн ҳам кўрсатишди. У бригада бошлиқларининг ишн устидан қаттиқ назорат ўрнатмай қўйган, масъулиятсиз кишиларга муросасозлнк қилмоқда.

Меҳмонлар Куйбишев номли колхознинг бир қанча бригадаларида ҳам шу кунлардаги қилинаётган ишлар талабга жавоб бермаётганлигини аниқладилар. Колхоз раҳбарлари ўсишдан орқада қолаётган участкалардаги ғўзаларни яхши ғўзаларга етказиб олиш юзасидан зарур чоралар кўришмаяпти. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишга яроқли барча кучларни далага сафарбар этилмаганлиги натижасида ғўзаларни чопиқ қилиш, ўтдай тозалаш кундалик топшириқ тўла бажарилмаётир.

Сирдарёликлар юқоридаги фактларни Карл Маркс номли, «Партия XXII съезди». Свердлов номли ва бошқа колхозларда ҳам мавжуд эканлигини аниқладилар.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг иш якуни район партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Ўртачирчиқликлар қимматли маслаҳатлар берганликлари учун мусобақадошларга чин қалбларидан ташаккур изҳор қилдилар. Шу билан бирга ғўза парвариши соҳасида йўл қўйилган камчиликларни 10 июлга қадар бартараф қилиш чораларини белгиладилар.

Бюрода Киров номли совхознинг бўлим бошқарувчиси Г. Пак, Куйбишев номли колхознинг раҳбарлари сўзга чиқишиб, мусобақадошлар кўрсатган маслаҳатлар асосида йўл қўйилган камчиликларни тузатаётганликларини айтдилар.

М. ДНЕРОВ.

Оққўрғондаги «Москва» колхозининг аъзолари хоразмлик пахтакорлар чақириғига жавобан ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир колхознинг барча бригада ва звеноларида ғўза парвариши қизғин бормоқда. Суратларда: (чапдан). Ғўзани озиқлантириш пайти. 2. Зараркунандаларга қарши дори сепиш ҳам яхши йўлга қўйилган. 3. Колхоз раиси И. Шубладзе ва агроном Т. Каримов ўртоқлар ғўзаларни кўздан кечирмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).



Мусобақадош Сирдарё области пахтакорларининг вакиллари бирнеча кундан буён областимиз колхоз ва совхозларида бўлиб, ғўза парвариши соҳасидаги ишлар билан танишмоқдалар. Ютуқларни қайд қилиш билан бирга камчиликларни тугатиш юзасидан ҳам қимматли маслаҳатлар бермоқдалар. Суратда: сирдарёлик пахтакорлар Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози далаларида.

А. Абалян фотоси.

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Мана, Ҳамид Олимжон номли колхознинг Пиримқулов бошлиқ бригадаси пахтазори. Сирдарёликлар картама-карта юриб, ғўза тупларидаги ҳосилни чамалашди. Ҳар бирида 2—3 тадан кўсак, 20 дан ортиқ шона, 4—5 тадан гул. Бегона ўт йўқ.

Колхозда бундай мўл ҳосил тўплаётган бригадалар анчагина бор. Ўртоқ А. Холбоев ва бошқа илғор бригадаларда ғўзани парвариш қилиш сифатли кетаяпти. Колхозчилар яна 5—6 кундан кейин чеканкани ҳам бошлаб юборишмоқчи.

Сирдарёликлар областимизнинг илғор хўжаликларидан бири ҳисобланган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳам бўлишди. Бу ердаги ғўзаларни кўрган киши қувонади. СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустафо Чачи бошқараётган бўлим ишчилари ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парвариш қилишмоқда. Бу ерда ғўза барвақт озиқлантирилаяпти. Чопиқ, культивация сифатли ўтказилмоқда. Шу сабабли ҳамма майдондаги ғўзалар бир текисда ҳосил тўплаётир. Бўлимнинг ўртоқ Искандар Катаманов бошлиқ бригадаси аъзолари мажбуриятга яраша меҳнат қилишаяпти. Ҳар бир тупда бир-иккитадан кўсак, икки-учтадан гул ва 8-10 тадан шона бор. Бригада аъзолари шу кунларда қатор ораларига учинчи марта ишлов беришаяпти.

Мусобақадошлар Анифа Альчикова ва Екатерина Автовкина ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг ишидан ҳам хурсанд бўлдилар. Бу бригадаларнинг деҳқонлари июнь ойига нисбатан июль ойида яна ҳам баракали ишлаб, ҳар туп ғўзада 5—6 тадан бўлиқ кўсаклар ҳосил қилиш учун курашмоқдалар. Совхозда ўсишдан орқада қолган ғўзаларга қўшимча равишда ишлов берилмоқда, озиқлантирилмоқда.

1-«Оққўрғон» совхози далаларида қилинаётган яхши ишлар билан бирга, қатор ораларига ишлов беришда камчиликлар ҳам бор. Айрим майдонларда ғўза сийрак. Ўсимликнинг ривожланиши сust. Буни ўртоқ Шавкат Атаманов бошқараётган бўлимда ҳам кўриш мумкин. Ўртоқ А. Бугримов бошлиқ звенода ҳар бир гектар ердаги кўчат 51 минг тупни ташкил қилади холос. Бўлим бўйича ҳар гектар ерда эса кўчатлар сони 65 мингтадан ошмайди.

— Бу кўчатларни, — деди ўзаро текшириш комиссиясининг аъзоси Сирдарё район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бошқармасининг бош агрономи В. Д. Шкода,— меҳр билан парвариш қилиб, кўпроқ ҳосил тўплашингиз керак. Бўлмаса мажбурятни бажариш оғир бўлади.

Мусобақадошлар қатор ораларига ишлов беришда айрим механизаторларнинг қониқарсиз ишлаётганликларини конкрет мисолларда кўрсатиб беришди.

Сирдарёликлар ғўзани суғориш қандай йўлга қўйилганлиги билан ҳам қизиқдилар. Шу нарса маълум бўлдики, совхознинг бир қатор бригада ва звеноларида ғўзани суғориш агротехникасига риоя қилинмаётир. Ўқариқлар кам. Ҳар картада юз метр ўрнига 200-300 метр ерда битта ўқариқ олинган. Бу эса айрим жойларда кўлланиб суғорилишга, баъзи жойларда эса, ғўзани қониб сув ичмаслигига сабаб бўлмоқда. Ўртоқ К. Аталиков бошқарувчи бўлган бўлимнинг кўпгина звеноларида ғўзалар вақтида культивация қилинмаяпти. Баъзи жойларда эса, культивация саёз ўтказилмоқда. Суғориш устидан контроллик йўқ.

Хўжаликда ўсишда орқада қолаётган ғўзалар анчагина бор. 150 гектар ердаги ғўза қўшимча ишлов беришни талаб этади. Ишчилар 10 июлга қадар бу паст ғўзаларни олдингилар қаторига етказиб оламиз, деб мусобақадош ўртоқларни тўла ишонтирдилар.

Сирдарёликлар ўртоқ И. Кўксаринлик қилаётган Охунбобоев номли колхозда ғўзани суғоришга тегишинча аҳамият берилмаётганлигини алоҳида қайд қилдилар. Колхознинг 2, 3-бригадаларида ғўзалар чанқаб кетган, 4-бригадада эса ўсимлик кўлатлиб суғорилмоқда. Бундай аҳволни 5 ва бошқа бригадаларда ҳам кўриш мумкин. Тракторларнинг иш унуми паст. Чуқур культивация қилинмаяпти. Культиваторларнинг иш органлари ўтмас.

Райондаги Карл Маркс номли колхозда ғўзаларни парвариш қилиш қониқарсиз аҳволда. Бу ердаги бир қатор бригадаларда ғўзаларни ўт босиб етибди. Вақтида суғорилмаяпти. Шунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ ғўзалар ўсишдан қолган. Ягона қилишга эътиборсизлик билан қаралган. Баъзи ерларда ҳар тупда 5—6 тадан кўчат қолдирилган.

Мусобақадошлар эришилган ютуқлар билан мағрурланмасликка, шу билан бирга қатор ораларига ишлов беришни тўхтовсиз давом эттиради, кўпроқ ҳосил тўплаш юзасидан оққўрғонликларга қимматли маслаҳатлар бердилар.

В. ЕҚУБОВ.

ВЬЕТНАМ — ВЬЕТНАМЛИКЛАРГА

СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ

Тошкент трактор-йиғув заводида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари АҚШнинг Москвадаги элчихонаси номнга қуйидаги телеграммани юбордилар: «Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг тинч шаҳарларини бомбардимон қилганлиги муносабати билан бизнинг нафратли норозилигимизни ҳукуматингизга айтиб қўйинг. Америка қўшинлари Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетилсин, агрессия тўхтатилсин. Эрксевар Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконияти берилсин — бизнинг талабимиз ана шу».

Митингда сўзга чиққан слесарь В. Савмин ва бошқа ишчилар Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг кўрсатмаси билан Вьетнам диёрида қилинаётган бедодликни қаттиқ қоралаб гапирдилар. Америка ҳарбийлари, деб таъкидлашди нотиқлар, Ханой ва Хайфон атрофларини бомбардимон қилиш билан бутун инсониятга дағдага солдилар.

Империалистлар қанчалик қутириб ҳаракат қилмасинлар, улар жафокаш Вьетнам халқини тиз чўктираолмайдилар, — деди мастер Н. Жуков. — Агрессорлар ўзларининг ҳамма телба планлари бутунлай пучга чиқарилажагини тушуниб оладиган пайт келди. Вьетнам ватанпарварларининг миллион-миллион содиқ дўстлари борки, улар Вьетнам халқини ҳеч қачон кулфатда қолдирмайдилар. Биз шу билан фахрланамизки, тинчлик ва озодликнинг қудратли қўрғони бўлган буюк Ватанимиз Вьетнам халқига актив ёрдам бермоқда.

Трактор-йиғув заводининг кўп минг кишилик коллективи якдиллик билан резолюция қабул қилиб, Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси тинч шаҳарларига қароқчиларча ҳужум қилганлигини қаттиқ қораладн.

(ЎзТАГ).

АГРЕССОРЛАРГА ЛАЪНАТ

ЯНГИЙЎЛ, 4 июль (ЎзТАГ). Янгиўл меҳнаткашлари Америка империалистларини н и г Вьетнамдаги агрессив ҳаракатларига қарши газаб билан норозилик билдирмоқдалар. Пойафзал фабрикасида бўлиб ўтган митингда корхона экономисти Мария Николаевна Галкина барча ишчи ва хизматчиларнинг фикрини ифодалаб берди.

— Америка агрессорлари,— деди у,— Ханой ва Хайфон атрофларини ваҳшиёна бомбардимон қилиш билан яна бир қонли жиноят қилдилар. Лекин Вьетнам халқини тиз чўктириш, унинг озодликка бўлган иродасини бостириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, империалистлар шуни билиб қўйсинларки, Ер юзидаги барча софдил кишилар уларга лаънатлар ўқимоқдалар.

Ишчи Лидия Жоголева цех бошлиғи Павел Крахмальний, фабрика механиги Юрий Тепляков ва бошқа пойафзалчилар ҳам митингда сўзга чиқиб, Америка ҳарбийларининг жинояткорона ёвузликларини қатъий қоралаидлар.

Митингда қабул қилинган ва унинг барча қатнашчилари бир овоздан маъқуллаган резолюцияда: АҚШнинг Вьетнамдаги ҳарбий интервенцияси дарҳол тўхтатилсин, деган талаб бор.

ЖИНОЯТ


Радио, матбуот ҳар куни Шарқи-Жанубий Осиёдан бир-биридан ташвишли, бир-биридан мудҳиш ҳабарлар олиб келаяпти. Америка ҳарбийлари вьетнам халқининг тақдирига тажовузкорларча аралашиб, Демократик Вьетнам халқининг осуда уйқусини, тинч ҳаётини бузиб, улар бошига ажал уруғини сочишяпти.

Бошидан ўтган — табиб, деганларидай кўп жангу-жадалларда бўлдим. Қон дарёсига ғарқ бўлган, куйиб вайронага айланган шаҳарларни кўрдим. Умрида бирон марта бўлсин уруш тўфонларига тушган ҳар бир киши бу мудҳиш сўзни эшитиши биланоқ нохуш таассуротлардан эти жунжикади.

Лекин америкалик урушқоқлар тинчишмаяпти. Президент Жонсоннинг ўзи бу шармандали уруш оловини пуфлаяпти. Америка раҳбарлари бутун жаҳон халқи олдида жиноят қилишяпти. Тинчликсевар инсоният газаб туйғусидан ларзага келганлиги бежиз эмас. Бас, бошн қизиган урушқоқларни жиловлаб қўйиш пайти аллақачон етган! Ҳинди-Хитой ярим оролидаги хавфли аланга дарҳол ўчирилсин, жинояткорона уруш тўхтатилсин!

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ.
ёзувчи.

ЯНГИ КОРХОНА



Мана бир неча қундирки, Тошкентдаги янги корхона — мой ёғ комбинати маҳсулот бермоқда. Бу ерда тайёрланган дастлабки тонна мой савдо ташкилотларига жўнатилди. Комбинат кун сайин қулоч ёймоқда, тайёрланаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириб бораяпти. Ҳар куни рафиналаштирилган мой ортилган автомашиналар, цистерналар республиканинг турли шаҳар ва қишлоқларига томон йўл олмоқда.

Корхона мой-ёғ ишлаб чиқарувчи йирик комбинатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Шарқида ўз қуввати жиҳатидан унга тенг келадиган бирорта ҳам корхона йўқ. Ҳозир барча цехларнинг асбоб-ускуналари тўла ўзлаштириляпти. Электролиз, автоклав, рафинация, упаковка цехларидаги асбоб-ускуналарнинг ҳаммаси синовдан яхши ўтди. Бу ана шу йирик озиқ-овқат саноати корхонасини бунёд этган кўп кишилик бинокорлар ва монтажчилар коллективи ҳалол ишининг самарасидир.

Комбинат тўла ишга туширилгач, ҳар йили 30 минг тонна мой ишлаб чиқаради. Буидан ташқари, 12 минг тонна маргарин, 3 миллион банка майонез тайёрлайди. Бу республикамизнинггина эмас, балки бутун Ўрта Осиё республика меҳнаткашларининг мой-ёғ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Суратларда: комбинат асосий корпусларининг бири (ўнгда). Рафиначи ёрдамчиси, комсомол аъзоси Ҳолида Сингатулина узлуксиз рафинация қурилмаси ишини кўздан кечирмоқда (чапда).

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДИЛКАШ АГИТАТОР

Зоирбекни қишлоқнинг каттасию-кичиги яхши танийди, ҳурмат қилади. У ишдан бўшаши билан далага чиқади. Колхозчилар, трактрочилар даврасида бўлиб, турли темаларда суҳбатлар ўтказади. Деҳқонларнинг шу кунлардаги ишлари, мусобақадошларнинг эришаётган меҳнат ғалабалари тўғрисида сўзлаб беради. Пешқадамларнинг тажрибаларини оммалаштириб, қолоқларнинг ишидаги камчиликларни йўқотишга кўпчиликнинг эътиборини жалб қилади.

Зоирбек ҳали ёш. Энди 26 баҳорни кўрган навқирон йигит. Шундай бўлса ҳам ўқиш, ўрганишдан зерикмайди. У қишлоқ мактабида ўқитувчи шу билан бир қаторда сиртдан ўқиб ўз билимини оширмоқда. Колхоз партия ташкилоти бу типик-тинчимас йигитни колхознинг «Қирғиз» участкасига агитатор қилиб тайинлаган. У бу вазифани ҳам сидқидилик билан бажариб келмоқда. Агитатор колхозчилар ўртасида партиямизнинг XXIII съезди материалларини пухта тушунтириш учун қурашади. У съезд материалларини колхоз ишлаб чиқаришига узвий боғлаб олиб бораётганлиги сабабли ҳам меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Қатор ораларига ишлов бериш бирмунча яхшиланди.

2-бригадада ишчи кучи етарли эмас эди. Агитатор бу аҳволни дарҳол сезди. Бригада бошлиғи билан гаплашиб, ишчи кучларини кўпайтириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширди. Ўт босган карталарни тозалашда ўқувчи ёшларнинг ёрдамидан фойдаланилди. Агитатор кўпгина пенсионерлар билан суҳбатлашди. Уларни ҳам дала ишларига яқиндан ёрдам беришларини илтимос қилди. Ҳозир нуроний отахонлар ўз ихтиёрлари билан далага чиқиб, меҳнат қилишяпти. Баъзи бир кексалар сувчилик қилишса, баъзилари эса, минерал ўғитларни майдалашда деҳқонларга ёрдам беришади.

Шундай қилиб ғўза парваришидаги камчиликлар йўқотилди.

Июль ғўза парваришини кучайтиришда зарбдор ой деб эълон қилинди. Бригада аъзолари хоразмликларнинг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериб, ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлашди.

Шу кунларда бригаданинг ерларини айланган киши колхозчиларнинг ишларидан қаноат ҳосил қилади. Колхозчи ва механизаторлар бир ёқадан бош чиқариб, қатор ораларига икки марта комплекс ишлов беришиб қўйишди. Эгат оралаб суғориш бу ерда яхши кетяпти. Деҳқонлар барча майдондаги ғўзаларни ёппасига гулга киритиш учун ҳаракат қилишяпти.

Т. ИМОМОВ,
Янгийўл районидаги Энгельс номли колхоз.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

АТОҚЛИ ЕЗУВЧИ НОМИДА

Пойтахтимизнинг Киров районида яқинда ишга тушган иккинчи район маданият уйига атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий номи берилди. Бу ерда бир неча хона бор. Ана шу хоналарда ўндан ортиқ тўгарак иш олиб бормоқда.

Тўгарак қатнашчилари кучи билан катта стенд ташкил этилди. Унда совет кишиларининг қўлга киритаётган ажойиб ютуқлари акс эттирилган. Шуниигдек, тўгарак аъзолари тайёрлаган буюмлардан янги кўргазма очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Яқин орада маданият уйида ёш актерлар студияси ташкил этилади. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри актёрларининг бевосита ёрдами билан иш бошлайдиган бу студия турли миниатюраларни саҳналаштиради.

СУЛИМ БОҒ ҚУЧОҒИДА

А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи бу йил ёзи билан мактаб ўқувчиларн ихтиёрига бериб қўйилади. Богда очилган пионерлар лагерида район меҳнаткашларининг юзга яқин ўғил-қизи ёз гаштини сурмоқда.

Яқинда пионерлар лагерида зилзиладан зарар кўрган Тошкентимизни қайта тиклаш учун шаҳримизга келган ленинградлик бинокорлар меҳмон бўлишди. Пионер ва ўқувчилар уларни самимий қаршн олишди.



Сиз суратда кўриб турган бу йигит «Ташавтомаш» заводининг илғор ишчиларидан бири — Т. Бердиқулов. У шу даргоҳда олти йилдан бери меҳнат қилмоқда. Топшириқларни ҳар доим ошиғи билан бажаради. Тез ва сифатли ишлашда касбдошларига ўрнак бўлмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ПЛАНЛАШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИ

ҲОЗИРГИ вақтда маҳсулот сифати масаласи саноатда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқариш мақсадларида, шунингдек, шахсий эҳтиёжлар учун тайёрланаётган саноат буюмларининг сифати даражасига талаб тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бу ҳозирги замон ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясидаги қонуний ўзгаришлар, шунингдек, халқ истеъмоли структурасидаги силжишлар билан изоҳланади. Маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши учун кураш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига қилган ҳисобот докладида шу нарса кўрсатиладики, маҳсулот сифати қанчалик юқори бўлса умумий ижтимоий меҳнат шунчалик самарали ва унумли бўлади. СССР жаҳон бозорига кенг кўламда чиққанлиги ва анча тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан рақобатлашишга киришган ҳозирги вақтда бу масалани ҳал қилиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Энди-ликда совет машиналари, станоклари, асбоб-ускуналари, барча товарлари чет эл намуналаридан қолишмаслиги у ёқда турсин, ҳатто улардан ҳам яхшироқ бўлиши лозим.

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун кураш фақатгина тайёрланаётган буюмларни такомиллаштиришдан иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга кўп жиҳатдан тайёрланаётган маҳсулотларни муттасил янгилаш, эски буюмларни замонавий талабларга тўла жавоб берадиган янги буюмлар тайёрлаш билан алмаштиришга ҳам боғлиқ. КПСС XXIII съездида таъкидланганидек, бу йўналиш тармоқлар ва корхоналарнинг беш йиллик планларида аниқ акс этиши лозим. Бу беш йилликда саноат сифати жиҳатидан жаҳон ишлаб чиқариши даражаси талабларигагина жавоб бериб қолмай, бу даражадан ҳам юқорироқ бўлган жуда кўп янги маҳсулот турларини яратиши зарур.

Совет саноатининг кўпгина буюмларига жаҳон бозорида талаб катта, бу буюмлар чет элнинг энг яхши намуналари билан муваффақиятли рақобатлашмоқда. Масалан, Ленинграддаги Нева заводи турбокомпрессорларининг айрим типлари ўз унумдорлиги ва тежамлилиги жиҳатидан чет эл фирмалари чиқараётган шу хилдаги машиналардан юқори туради. Карл Маркс номли бирлашманинг тараш машиналари Американинг «Уайтен» ёки Англиянинг «Платт» фирмалари ишлаб чиқараётган худди шундай машиналарга нисбатан бир ярим баравар унумлидир; қон томирларини тикувчи совет аппаратларининг тенги йўқ оламда.

Шунга қарамай, бизда ҳали ҳам жуда кўп эски маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, янги буюмлар жуда узоқ конструкция қилинади ва ишлаб чиқариш секин ўзлаштирилади.

Янги шароитларда хўжаликни юритишнинг тартиби тамомила ўзгариб кетади. Аввало, КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965) Пленуми қарорларига мувофиқ корхоналарда асосий кўрсаткич қилиб ялпи маҳсулот ўрнига маҳсулотнинг реализацияси жорий қилинади. Агар маҳсулот сифатсиз бўлса, табиий, уни сотиш мумкин бўлмайди ва корхона оғир молиявий аҳволга тушиб қолади, ўзида моддий рағбатлантириш фонди ташкил этолмайди.

Истеъмолчилар билан бевосита алоқа қилиш асосида ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни планлаштираётган корхоналарда маҳсулот сифатини яхшилаш учун жуда қулай шароитлар вужудга келади. Масалан, Москвадаги «Большевичка» бирлашмаси шундай алоқага ўтгач, кўплаб тикиладиган костюмлар яхшиланган технология бўйича тайёрлана бошлади. Натижада, 1965 йилнинг биринчи ярмида бу ерда биринчи сортли буюмлар ишлаб чиқариш ялпи маҳсулотнинг 96,2 процентини ташкил этди. Рекламациялар сони 1964 йилнинг ўша даврида-гига қараганда 29,1 процент, буюмлар нархини камайтириш ва жарималардан кўрилган зарар 31,8 минг сўмлик камайди.

Нарх қўйиш системасининг такомиллашмаганлиги кўп ҳолда корхоналарнинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлмасли-гига олиб келди. Ҳаммага маълумки, яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча моддий харажатлар сарфланади. Бу харажатлар маҳсулот таннархини маълум даражада оширибгина қолмай, лекин унинг нархига ҳеч қандай таъсир кўрсатмас эди. Шунинг учун ҳам бундай аҳвол завод ва фабрикалар томонидан рентабеллилик ва жамғарма олиш топшириқларининг бажарилмаслигига сабаб бўларди. Табиийки, юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналар учун номақбул иш бўлиб ҳисобланарди.

Тажриба шуни кўрсатдики, маҳсулот сифатини яхшилаш учун сарфланган қўшимча харажатлар бу маҳсулотни эксплуатация қилиш жараёни ёки шахсан истеъмол қилишда олинган фойда туфайли зиёдаси билан қопланиб кетади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида янги тартиб ўрнатилади. Бу тартибга мувофиқ ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида нарх белгилашда тайёрловчиларнинг қўшимча қилган харажатлари, шунингдек, юксак сифатли маҳсулотдан истеъмолчи кўрган иқтисодий фойда ҳисобга олинади. Анча такомиллашган буюмларга юқори, иқтисодий асосланган баҳолар қўйиш ёки эски нархларни ошириш ҳисобн билан бунга эришилади.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Агар тайёрланаётган буюмлар сифати оширилса, уларнинг илгариги нархи устига стандартлар ва техник шартларда назарда тутилган кўрсаткичларга қараганда яхшироқ эксплуатацион ва истеъмол хусусиятларига эга бўлганлигига монанд даражада қўшимча пул тўланади. Худди шундай, янги маҳсулотга улгуржи нарх шундай даражада белгиланадики, бунда унинг сифати яхшиланиши эскисига қараганда истеъмолчига иқтисодий фойда олишни таъминлаши, тайёрловчига эса, қўшимча харажатларнинг ўрнини қоплаш ва одатдагидек унинг катта рентабеллилигини таъминлаши ҳисобга олинади. Айни вақтда, эски буюмларни сотиш нархлари камайтириб борилади, уларни ишлаб чиқариш корхона учун жуда кам фойда келтирадиган бўлади.

Айрим корхоналарда тажриба сифатида тайёрланаётган маҳсулот сифатини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини планлаштиришга киришилди. Масалан, Свердлов подшипник заводида маҳсулот сифатига баҳо беришда унинг кўпга чидаши ҳисобга олинади. Таннарх кўрсаткичи солиштирма таннарх билан алмаштирилади (подшипникнинг ҳар соатда ишлаши учун моддий ва пул маблағлари сарфлаш ҳисобида). Тўққизта қўшимча операцияларнинг йўлга қўйилиши натижасида подшипникларни тайёрлаш учун меҳнат сарфиёти 33 процент, таннархи олти процент ошганлигига қарамай, подшипникнинг ҳар бир соатда ишлашига сарфланадиган харажат унинг узоққа чидаши ҳисобига икки ярим баравар камайди. Узоққа чидайдиган подшипникларни сотиш нархлари оширилди, лекин шунга қарамай, бундай подшипниклар истеъмолчилар томонидан кўплаб сотиб олинади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорига мувофиқ саноат буюмларини давлат аттестациясидан ўтказиш тартибига катта эътибор берилмоқда ҳозирги вақтда. Бундай аттестация жараёнида тайёрланаётган маҳсулот сифатининг даражаси, унинг халқ хўжалиги ва аҳоли учун қай даражада кераклиги муттасил текшириб борилади. Бундада буюмларнинг сифатига қараб уларга махсус белгилар берилади. Шундай белгилар олган маҳсулотларнинг улгуржи нархлари маълум даражада оширилади, аттестациядан ўтмаган маҳсулотларнинг улгуржи нархлари чегирилади. Шундай қилиб, юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқариш учун муваффақиятли кураш олиб бораётган корхоналар кўп жиҳатдан ютадилар. Уларнинг маҳсулоти тез сотилади, фойда, моддий рағбатлантириш фондлари миқдори кўпаяди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тўғри ташкил этилиши маҳсулот сифатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Аммо ҳозирча ҳодим меҳнатига ҳақ, аввало, у тайёрлаган буюмларнинг сонига қараб тўланади, уларнинг сифати лозим даражада ҳисобга олинмайди. Фақатгина сўнгги вақтларда қатор корхоналарда маҳсулот миқдорининигина эмас, шу билан бирга тайёрланаётган маҳсулот сифатини ҳисобга олувчи меҳнатга ҳақ тўлаш системаси жорий қилина бошлади. Масалан, айрим завод ва фабрикаларда ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг уларга нормаллаштирилган топшириқлар ўрнатиш билан вақтбай-мукофот системаси жорий қилина бошланди. Агар топшириқ бажарилган ва маҳсулот техника контроли бўлими томонидан биринчи кўришдаёқ қабул қилинган бўлса ишчига тўла тариф маошидан ташқари мукофотнинг максимал миқдори (тариф маошининг 40 процентигача) тўланади. Агар маҳсулот иккинчи кўришда қабул қилинган бўлса, мукофот миқдори 20 процентни ташкил этади. Агар буюм иккинчи марта ҳам қабул қилинмаса, мукофот умуман тўланмайди.

Бу системани қўлланишнинг дастлабки тажрибаси шуни кўрсатдики, у ўзини тўла оқламоқда. Масалан, Минск мотор заводида рекламациялар проценти (тайёрланаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмига нисбатан) 0,95 дан 0,55 гача, бракдан кўрилаётган зарар 0,8 дан 0,58 гача камайди.

Маънавий рағбатлантиришни тўғри фойдаланиш, барча меҳнаткашларда ишга коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялаш маҳсулот сифатини ошириш учун курашда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир ходим фақат аъло сифатли буюм ишлаб чиқаришни ўзининг шон-шарафи деб ҳисоблаши, жонажон иши деб билиши муҳимдир.

Шу нуқтаи-назардан Львовдаги «Прогресс» пойафзал фирмасининг тажрибаси диққатга сазовор. Фирмада маҳсулот сифати устидан контроль қилишнинг «Ишчи виждони» деб аталувчи янги усули жорий қилинган. Бу усулга мувофиқ ҳар бир ишчи конвейерда олдинги операциянинг бажарилиш сифатини албатта текширади. Ишлаб чиқариш илғорларининг номи махсус тахтага муттасил ёзиб борилади, брак витриналарида эса яроқсиз буюмлар қўйиб қўйилади, бракка йўл қўювчиларнинг фамилиялари кўрсатилади. Корхонада сифат бўйича кенгаш (жуда кўп масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган унга) ишлаб туради, энг яхши мастерлардан сифат бўйича штатсиз инструкторлар бор. Ҳар бир ишчининг ҳисоб варақасига у тайёрлаётган маҳсулот сифати кўрсаткичлари қайд қилиб борилади. Агар бракка йўл қўйиш ҳоллари уч марта такрорланадиган бўлса, махсус комиссия ходимнинг малакасини текширади. Шуларнинг ҳаммаси фирма томонидан ишлаб чиқарилаётган пойафзални яхшилашда маълум даражада роль ўйнади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965) Пленуми ва партия XXIII съезди қарорлари саноат маҳсулоти сифатини муттасил яхшилаш учун қулай имкониятлар вужудга келтирди. Вазифа, ҳар бир корхона коллективининг ўз корхонасига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бу имкониятлардан иложи борича тўлароқ фойдаланишдан иборат.

А. ОМАРОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

САМИМИЙ ТАБРИК

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Жазоир Халқ Демократик Республикаси революцион кенгашининг раиси, Министрлар Советининг раиси Хуари Бумидданга телеграмма юбориб, миллий байрам—Жазоир Халқ Демократик Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан қизғин қутладилар.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, революция ғалабаларини мустаҳкамлашда, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда, янги ҳаёт қуриш ишида қардош Жазоир халқига бундан буён ҳам муваффақиятларга эришишни чин кўнгилдан истайдилар.

Телеграммада совет-жазоир дўстлиги ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, умумий тинчлик, халқлар хавфсизлиги ва социал тараққиёт йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади, деб қаттиқ ишонч билдирилади. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Машинасозлик корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан бир группаси етти йиллик планнинг машинасозликни ривожлантириш борасидаги топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 2 июлдаги Фармонига биноан, СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Шулар орасида Ўзбекистон ССР дан қуйидагилар мукофотланди:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Асатуллаев Сирожиддин Зайниддинович — Тошкент шаҳридаги гидрометеорология асбоблари заводининг слесари.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ляпин Николай Васильевич — Тошкент шаҳридаги электр машинасозлиги ва асбобсозлиги давлат конструкторлик-технология бюросининг бўлим бошлиғи.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Маликов Халил — Тошкент даги заргарлик фабрикасининг заргари.

Першин Евгений Михайлович — Тошкент шаҳридаги гидрометеорология асбоблари заводининг токари.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Березанский Михаил Давидович — Тошкент шаҳридаги гидрометеорология асбоблари заводининг бош инженери.

Гончаров Геннадий Федорович — Тошкент шаҳридаги электр машинасозлиги ва асбобсозлиги давлат конструкторлик-технология бюросининг инженер-конструктори.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Камбоджа чегараларидаги воқеалар сўнгги вақтларда тобора ташвишли тус олмоқда. Орқасида АҚШ турган Сайгон маъмурлари билан Таиландниинг ҳукмрон доиралари тинчлик ва бетарафлик сиёсатини изчиллик билан ўтказувчи ана шу мамлакатга қарши қаратилган ивғогарлик ҳаракатларини кучайтирмоқдалар. Америка — Сайгон ва Таиланд қуролли кучлари Камбоджа чегараларини муттасил бузиб, унинг территориясига бостириб киримоқдалар. АҚШ Камбоджага ҳарбий — сиёсий йўл билан тазйиқ ўтказишни кучайтирмоқда. Даҳлсиз сақланиши лозим бўлган Камбоджа чегараларида авж олдираётган ивғогарликлар АҚШнинг Ҳинди-Хитойда агрессив ҳаракатларини кенгайтиришга қаратилган йўли билан бевосита боғланганлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

АҚШ ва унинг ҳамкорлари бетараф Камбоджага қарши қилаётган ҳаракатлар, уларнинг мамлакат территориал бутунлигига тажовуз қилаётганлиги Камбоджа юзасидан 1954 йилда тузилган Женева битимларини очиқдан-очиқ поймол этишдир. Ана шу битим қатнашчилари якуловчи декларациянинг 12-моддасига мувофиқ, ана шу мамлакат суверенитети, мустақиллиги, территориал бирлиги ва бутунлигига риоя қилиш ҳамда унинг ички ишларига қар қандай тарзда аралашишдан ўзларини тийиб туриш мажбуриятини олган эдилар. Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар — Камбоджа томонидан 1957 йил 6 ноябрда тантанали равишда эълон қилинган бетарафликни қўпол равишда бузишдир.

Ўз мамлакатининг мустақиллиги, бетарафлиги ва территориал бутунлигини азимкорлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган камбоджа халқи ва ҳукуматининг бардошига ва мардлигига Совет Иттифоқида тан бермоқдалар. Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқи тинчликсевар Камбоджа шарқи-жанубий Осиёда ҳали ҳам ижобий роль ўйнаб келаётганлигини, унинг мана шу районда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини юксак баҳоламоқдалар.

Тинчлик ва халқаро ҳамкорликдан иборат ленинча сиёсатга амал қилиб, Совет Иттифоқи халқларнинг ички ишларига ҳар қандай тарзда аралашишга қатъиян қарши чиқмоқда, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин — барча мамлакатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурматлашни талаб қилмоқда. Бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принциплари, халқларнинг суверен-ҳуқуқларини ҳурматлаш — ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципларидир. Бу нарса давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик ҳамда уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини муҳофаза қилиш тўғрисида Совет ҳукуматининг ташаббуси билан БМТ Бош ассамблеясининг XX сессияси томонидан қабул қилинган декларацияда яна бир карра таъкидлаб ўтилди.

Совет Иттифоқи ҳукумати шуни билдирадики, у, Камбоджанинг мустақиллиги, бетарафлиги ва территориал бутунлигини танийди ҳамда ҳурматлайди.

Агар барча давлатлар суверен Камбоджа давлатининг мустақиллиги, бетарафлиги ва территориал бутунлигини ҳурматласалар, шу мамлакатга нисбатан ҳар қандай агрессия ёки зўравонлик ҳаракатлари қилишдан ўзларини тийиб турсалар, бу иш Женева битимларига, халқаро ҳуқуққа мос бўлибгина қолмай, айни бир маҳалда ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилажагига Совет ҳукумати аминдир.

МАТБААЧИЛАР ЮТУҒИ

«Фан» босмахонаси коллективи ойлик топшириқларни муттасил ортиғи билан адо этмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмигача эса, деярли 120 минг сўмлик турли хил китоб ва журналлар нашр этилди. Матбаачилар ярим йиллик планга қўшимча анчагина маҳсулот бердилар.

Коллектив эришаётган ютуқда тажрибали ишчилардан В. Абдураззоков, Е. Абдураззоқова, Л. Ахмадзанова, И. Тошпўлатов, П. Тожибоев ўртоқларнинг ҳиссаси катта. Улар нормани доим ортиғи билан бажаришади. Кўплаб материал тежаб қолишмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ БЎЛСИН

ПУХТА ҲОЗИРЛИК БИЛАН

Ҳозирги кунда халқ маорифи ходимлари олдида мактабларни янги ўқув йилига тахт қилиб қўйишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Шунинг учун ҳам мактабларда ремонт ва қурилиш ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Киров райони жамоат ташкилотлари бу борада ажойиб ташаббус бошлаб бердилар. Зилзиладан шикастланган мактабларни янги ўқув йили бошланишига қадар сифатли ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйишга аҳд қилинди. Бу ишда уларга районнинг бутун жамоатчилиги яқиндан ёрдам бермоқда.

Тошкентда юз берган зилзила натижасида бизнинг районимизда ҳам бир қатор мактаблар шикастланди. Шунга қарамай бу биноларни тезда қайта тиклаш ишига яқдиллик билан киришилди. Зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилди. Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг май ойида бўлиб ўтган сессияси кун тартибига зилзила оқибатларини тугатиш асосий масала қилиб қўйилди. Мактабларни янги ўқув йилига барвақт ҳозирлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Янги ўқув йилигача районимизда 80 та қўшимча синф хонаси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Бу ерда оталик ташкилотларининг мактаблар қурилиши ва ремонтига кўрсатаётган ёрдами ҳақида гапириб ўтмоқчимиз. Бу йил районимиздаги генерал Раҳимов номли колхоз (раиси ўртоқ М. Маъмуров) ҳимматли ишга қўл урди. Ҳозир бу ерда 640 ўқувчига мўлжалланган ҳашаматли мактаб биноси қад кўтармоқда.

Шунингдек, «Ўзбекистон 40 йиллиги» (раиси ўртоқ Т. Мирзаев) 25, 26 ва 27-мактабларни, Карл Маркс номли колхоз (раиси ўртоқ Ғ. Абдуллаев) 21, 22, 23 ва 24-мактабларни, Калинин номли колхоз (раиси ўртоқ Ф. Абдуллаев) 33, 34, 43, 47-мактабларни ремонт қилишга киришдилар. Ленин номли колхоз эса, ўз оталигидаги 7-мактабга 8 та қўшимча синф хонаси қуриб бериш мажбуриятини олди.

Қувонч билан айтиш керакки, шу кунга қадар кўпгина мактабларда ремонт ишлари тугалланди. Бунда, айниқса 85, 61, 47, 74 ва бошқа мактаблар маъмуриятлари тадбиркорлик билан иш кўрдилар.

Мактабларни ремонт қилиш ишига давлат томонидан ҳам катта маблағлар ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига мактаблар ёнига қўшимча 34 та синф хона қурилади.

Ҳақиқатан ҳам зилзиладан зарар кўрган мактаблар биноларини қайта тиклаш ва ремонт қилиш ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Биз районимиздаги ҳамма мактабларни 10 августгача тўла тахт қилиб қўйиш мажбуриятини олдик.

А. ҚОДИРОВ,
Калинин район халқ маорифи бўлимининг мудири.

Янги Тошкентни бунёд этамиз



ЕЛКАМА-ЕЛКА

Республикамиз пойтахти улкан қурилиш майдонига айланиб қолди. Тошкент кўчаларида Москва, Ленинград, Киев ва бошқа қардош шаҳарлардан келган машиналар ғизиллаб ўтиб турибди. Улар бортида ғишт, цемент, плита ортилган. Ҳаммаси бир томонга — қурилиш майдонига елади. Қардошларимиз ҳимматидан барчамиз бениҳоят ҳурсандмиз. Улар шундай ташвишли кунларда ёнимизга келиб янги Тошкент яратишда бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Дўстлар ҳиммати Тошкент бинокорлари, ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Улар билан елкама-елка туриб биз ҳам янги объектлар қурилишига қўл урдик. Барча имкониятлар, ички резервлар тўла ишга солинмоқда. Зилзиладан бошпанасиз қолган ҳамшаҳарларимизни тезроқ шинам турар жойлар билан таъминлаш иштиёқида ғайрат қилмоқдамиз.

Шу кунларда биз Волгоград кўчасида тўрт қаватли турар-жой биносини қураяпмиз. График бўйича бу турар-жой йилнинг охирига бориб фойдаланишга топширилиши лозим эди. Аммо зилзила графигимизни бузиб юборди. Янги квартиралар калитини тезроқ тошкентликларга топшириш истаги туғилди бизда. Раҳим Бўронов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари кечаю-кундуз меҳнат қилиб, бино корпусини муддатидан олдин қўлдан чиқардилар. Изма-из пардозловчилар ҳам ишга тушиб кетишди. Ҳозир дурадгорлардан И. Белов, С. Антонин, электрчилардан М. Ҳакимов ўртоқлар тенгин ҳам зарбдор суръат билан меҳнат қилмоқдалар.

Яқин кунлар ичида бино фойдаланишга шай бўлади. 64 квартиранинг ҳаммаси вақтинча чодирларда истиқомат қилаётган тошкентлик марду-майдонларга топширилади.

Яна бир группа бинокорлар вақтни ғанимат билиб Чилонзор массивининг «Е» секторида 80 квартирали бинонинг пойдеворини қазишга киришдилар. Бу турар-жой келаси йилнинг бошларида тошкентликларни ўз бағрига олади. Ҳозир қудратли техника мадади билан бу ерда кўзга кўринарли ишлар бажариб қўйилди. Котлован тайёр. Арматурачилар пойдеворни бетон қуйишга ҳозирламоқдалар. Ҳа демай бетончиларимиз ишга тушиб кетишади. Машиналар заказимиз бўйича заводларда тайёрланаётган ғиштларни ташиб келтирабошлади. Барча материаллар шай бўлса, вақт исроф бўлмайди. Бинокорларимиз ишга ишни улаб кетишаверади.

Бошқармамиз коллективи бошқа участкаларда ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бизнинг участка прораб П. Воскребенцев бошлиқ участка билан кўп йиллардан бери мусобақадош. Мусобақадошларимиз ҳозир қурилиш кўчасида 64 квартирали бино бунёд этишяпти. Уларнинг ишлари ҳам ёмон эмас. Қўлларидан чиқаётган турар жойнинг остки қаватига маиший хизмат кўрсатиш комбинати жойлашади. Дорихона ҳам шу ернинг ўзида бўлади. Ҳозир улар зўр бериб пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар. Август ойида уни фойдаланишга топширишмоқчи. Агар шу мажбуриятни бажаришса, бино муддатидан уч ой илгари қўлдан чиққан бўлади.

Биз янги Тошкентни бунёд этишга бел боғладик. Сўз бердикми, албатта унинг устидан чиқамиз. Ҳа демай шаҳримизда мустаҳкам, кўркам бинолар қурилиб, аслидан ҳам гўзаллашади.

П. ГРУЗИНЦЕВ,
153-қурилиш трести 1-бошқармасининг прораби.

● ● ●

Янги Тошкентни бунёд этишда бепоён Ватанимизнинг турли чеккаларидан келган минглаб қўли гул бинокорлар иштирок қилишаяпти. Муаззам пойтахтимиз серғайрат ёшлар шижоати, фидокорлиги туфайли жадал суръатларда қайта тикланаяпти. Сиз суратда кўриб турган мана бу қувноқ йигит Киевдан келган. У Чилонзорда қурилаётган 80 квартирали уй-жой биноси объектида тер тўкиб, меҳнат қилмоқда.

А. Абалян фотолари.

● ● ●



ПОЙТАХТ АДИБЛАРИ ТОШКЕНТГА

МОСКВА, (ТАСС мухбири). Тошкентдаги зилзиладан зарар кўрганларга ёрдам берамиз — Москва ёзувчиларининг якдил муддаоси ана шундай. Пойтахт адиблари Тошкентликларга ёрдам фондини тўлдириш учун кўп ишлар қилишди: Москвада ёзувчиларнинг бир неча кечаси уюштирилиб, тушган пулнинг ҳаммаси мард шаҳарга юборилди.

29 июнда В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт саройида Евгений Евтушенконинг ижодий кечаси ўтказилди. Шоирнинг шеърларини тинглаш, мамлакатимиз халқларининг қардошлик фондига ўз ҳиссасини қўшиш учун бу ерга ўн мингдан кўпроқ киши тўпланди.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Кучли ер қимирлашдан кейин бошпанасиз қолган онларни квартира билан тезроқ таъминлаш учун партия ва ҳукуматимиз изчил чоралар кўрмоқдалар. Бутун мамлакат, барча республикалардан келган қардош бинокорлар кенг кўламда уй-жой қуриш, янги Тошкентни барпо этиш йўлида умумхалқ ҳашарини бошлаб юбордилар. Ана шу мақсадларга давлат томонидан жуда катта маблағ ажратилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу йил июнь ойида «Тошкент шаҳрида зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан Ўзбекистон ССРга ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги яна бир қарори эълон қилинди. Шу қарорда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига шаҳримизда ва унинг атрофидаги районларда якка тартибда, шуниндек кооператив йўл билан уй-жой қурилишини тағин ҳам ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Мазкур қарорда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва СССР қурилиш банкига Тошкент шаҳрида якка тартибда уй қурувчи гражданларга бериладиган қарз миқдорини 1,5 минг сўмга қадар ошириш ҳуқуқи берилди. Гражданлар бу қарзни уй битгандан кейинги иккинчи йилдан бошлаб, 12 йил муддатда қайтаришлари зарур.

Партия ва ҳукуматнинг бу янги ғамхўрлиги якка тартибда уй қурувчилар учун жуда катта қулайлик яратиб беради. Қарз миқдорининг оширилиши бошпанасиз қолган онларни тез вақт ичида уй-жой билан таъминлаш йўлида муҳим омил бўлади.

Олдимизда турган ана шу муҳим вазифани бажариш ҳамда ажратилган қарзни тезроқ ҳужжатлаштириш учун шошилинч тадбирларни қўришимиз керак. Зилзилада бошпанаси бузилган, эндиликда якка тартибда уй қуриш истагини билдирган гражданлар қарз олиш учун ўзлари ишлаб турган корхона ёки ташкилотларга ариза билан мурожаат қилишлари зарур. Чунки ссудалар район ижроия комитетлари томонидан уй қурувчилар ишлайдиган корхона ва ташкилотларга ажратиб берилади.

Якка тартибда уй қурувчиларга қарз бериш қондаси қуйидагича:

а) Хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассаларда ишловчи ходимларга бевосита иш жойидан берилади.

б) Бюджетдаги муассаса ва ташкилотларда ишлайдиган ходимларга, шунингдек генерал, адмирал, старший офицер ва Ватан уруши нивалидларига қурилиш банки орқали берилади.

Матлубот кооперацияси ва жамоат ташкилотларидаги ходимларга эса қарз ана шу ташкилотларнинг қурилиш банки ҳисобига киритилган ўз маблағидан ажратилади.

Ссуда маблағи уйлар қурилишининг бориши ва бинокорлик материалларини тайёрлаш, бажарилган иш тўғрисидаги актлар, материалларга берилган счетларга қараб вақти-вақти билан қисман бериб борилади. Ҳужжатлар эса, ходимлар ишлайдиган корхоналар шунингдек генерал, адмирал, офицер ва Ватан уруши нивалидларига коммунал хўжалик органлари томонидан ёзиб берилади.

Уй қурувчига стандарт уйларни ва уларнинг деталларини сотиб олганлиги ҳақидаги счетга ҳақ савдо ташкилотлари томонидан берилган ҳужжатлар асосида тўланади. Бунда қарзнинг бир қисми уйларни ўнгиш ишларига сарфлаш учун қолдирилган бўлиши шарт. Стандарт уйлар сотиб олишга банк қарзнинг 70 процентигача миқдорида, уйларнинг деталига — 50 процентигача миқдорида пул беради.

Якка тартибда уй қуриш учун бериладиган қарз олинган кундан эътиборан бир йил мобайнида фойдаланилиши зарур.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Сизларга ҳукумат яна бир катта қулайлик яратиб берди. Кўп йиллик муддат билан бериладиган қарз пулга бемалол, кўнгилдагидек иморат қуриб олишингиз мумкин. Бу имкониятдан фойдаланиб, якка тартибда уй қуришга дадил киришаверсангиз бўлади.

А. ГУЛОМОВ,
СССР қурилиш банки Тошкент область конторасининг бошқарувчиси.

ЁРДАМ ФОНДИГА

● Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг IV курс студентлари шу кунларда ишлаб чиқариш практикасини пахтазорларда ўтамоқдалар. Улар эл қатори Тошкент қурилишига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида икки кунлик иш ҳақларини ёрдам фондига юборишга қарор қилдилар. Бу 700 сўмни ташкил этди.

С. УСМОНОВ.

● Пойтахтимизда зилзила рўй берган кундан бери милиция органларининг иши кўпайиб кетди. Уларда туну кун тиним йўқ. Октябрь районн милиция ходимлари шаҳарда тўла тартиб сақланишини таъминлаш билан бирга ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини Тошкентга ёрдам фондига топширдилар. Улар тўпланган маблағ 3422 сўмдир. Милиция ходимлари ҳимматидан ҳамма ҳурсанд.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

● Оққўрғон район коммунал хизмат кўрсатиш конторасн коллективи олти ойлик план топшириқларини муддатидан ўн тўрт кун илгари шараф билан адо этди. Кишиларга қўшимча коммунал хизмати кўрсатилди.

Яқинда контора ишчилари яна бир ҳиммат кўрсатишди. Улар ўзларининг икки кунлик иш ҳақларини Тошкент қурилишига мадад бўлсин, деб юбордилар. Бу маблағ ўнчалик кўп бўлмаса ҳам, аммо кишиларимизнинг саховатлилигини, меҳрибонлилигини кўрсатиб турибди. Дўстларимиз ёрдами билан албатта гўзал шаҳар бунёд этилади.

У. ДУРБЕКОВ.

ТОШКЕНТ ШУКРУЛЛО, УСТИДАГИ КАБУТАРЛАР

Табиий офат — даҳшатли зилзиладан жабрланмаган оила кам. Гарчанд айримларимизнинг уй-жойларимиз шикастланмаган бўлса ҳам, лекин ҳар бир тошкентликнинг дилида бир ранж, бир ташвиш бор. Бироз ҳонадони вайрон бўлган қариндоши, бироз касал бўлиб қолган ёр-биродарибироз янги ҳовлига кўчмоқчи бўлган қўшнисининг дарди ва тараддуди билан яшамоқда. Тошкентликлар бошига тушган бу оғир кулфатни ўз дардларидек ҳис қилган республикамизнинг барча меҳнаткашлари, жонажон Москвамиз, қардош республикалар зилзила рўй берган биринчи кунидёқ берган моддий ёрдамлари, изҳор қилган ҳамдардликлари билан халқимизга руҳий мадад бердилар.

Бу ҳамкорликнинг мангу обидаси сифатида шу кунлардаёқ кўп қаватли бинолар Тошкент атрофида қад кўтара бошлади. Айрим маҳалла аҳолиси ўзларига ажратилган ерларда ғишт қуйиб, девор кўтариб, биринчи тўсинларни ташлай бошладилар.

Ез ғанимат. Шу ғанимат илиқ-иссиқ кунларни қўлдан бой бериб, киш-қировли кунларда бошпанасиз қолмаслик учун ҳамма куч, ҳар бир гражданин Тошкентнинг қаддини тиклашга сафарбар қилинган. Ез ниҳоятда иссиқ келди. Шунга қарамай, атрофи соялқин кўм-кўк ўрмонзор Ленинград шаҳридан келган қардошларимиз. Казбек тоғларининг ён бағирларидаги ғир-ғир шамол эсган лимонзор ва узумзорларни тарк этиб келган грузин дўстларимиз, Днепрнинг кишини мафтун қилувчи қирғоқларида меҳнат отпускасини ором қилиб ўтказишнинг бахридан кечиб келган украиналик биродарларимиз 40 даражали иссиқда, қуёшнинг куйдирувчи тигида меҳнат қилмоқдалар. Бу дўстлик, бу меҳрибонлик олдида ҳар бир одам қалбидан ташқор-ташқор офарин демай иложи йўқ.

Бундай даҳшатли зилзилалар асрлар давомида неча-неча марта бўлганлиги тарихдан маълум. Лекин бундай дўстликни ҳеч замон, ҳеч тарих кўрмаган. Бу халқларимизнинг бир-бирига нақадар меҳрибон, дўст эканлигининг ифодаси бўлса, афсус билан айтиш керакки, шу билан бир қаторда инсон қиёфасини йўқотиб, сурбетларча яшашга одатланган айрим шахсларнинг жирканч башараларини ҳам халққа кўрсатиб қўйди.

Бир дўстинг меҳрибонлик қилиб сенинг уйингга ҳашарга келса-ю, сен эса қўл қовуштириб тепасида папирос тутатиб турсанг, бундан ҳам қунуқ нарса борми? Юрт бошига тушган ташвишни ақл ва виждон билан ҳис қилмасдан ўз ҳузурини кўзлаб, чекқадан қараб турадиганлар. Азиз Тошкентимизни қайтадан тиклаш ташвишида яшаётган кишиларнинг тинчини бузадилар, ғашига тегадилар. Тайёрга айёр деганларидек, бундай кишилар бир парча ариза ёзиб қўйиб, уйлар солиначерсин, бир амаллаб бошпанали бўлиб қоларман деган ниятда бемалол юрган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Булар кичик нарсалардек туйилиб ҳамманинг эътиборини тортмаслиги ҳам мумкин. Лекин шу кунларда ишимизга халақит бераётган бундан ҳам қунуқроқ баъзи далиллар борки, бу ҳақда кейинроқ сўзламоқчиман.

Шу кунларда ҳар бир тошкентлик бутун вужудида бир асзс, қалбида зўр умид ва ишонч билан яшамоқда. Айтмоққа осон, лекин, бир тасаввур қилиб кўринг, неча-неча қават азамат бинолар қад кўтарган миллиард-миллиард тонна вазминликдаги бир шаҳри азимни, бепоён замини табиатнинг ваҳший кучи кўз олдингда силкитиб турса, албатта ҳар бир киши бир нафас даҳшат ва ҳайратга тушиши табиий бир ҳол. Шу бир нафас тошкентликлардан катта матонат ва чидамни талаб қиляпти. Тасанно ҳамшаҳарларимизнинг матонатига! Улар гангиб қолмадилар. Тошкент тупроғини азиз она юртимнинг тупроғи деб кўзларига суртдилар. Дўстларимиз ёрдамида қайтадан тиклашга зўр ғайрат билан киришдилар.

Халқимизнинг бундай иродасига ҳамма қам қойил қолади. Ҳар қанча мадҳия ёзса арзигулик матонат. Кишиларнинг умидворлиги, дардга чидамлилиги, ўз шаҳрига муҳаббати нақадар зўр эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдим. Ҳозир улар зўр бериб пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар. Август ойида уни фойдаланишга топширишмоқчи. Агар шу мажбуриятни бажаришса, бино муддатидан уч ой илгари қўлдан чиққан бўлади.

Биз янги Тошкентни бунёд этишга бел боғладик. Сўз бердикми, албатта унинг устидан чиқамиз. Ҳа демай шаҳримизда мустаҳкам, кўркам бинолар қурилиб, аслидан ҳам гўзаллашади.

П. ГРУЗИНЦЕВ,
153-қурилиш трести 1-бошқармасининг прораби.

Шу кунларда ҳар бир тошкентлик бутун вужудида бир асзс, қалбида зўр умид ва ишонч билан яшамоқда. Айтмоққа осон, лекин, бир тасаввур қилиб кўринг, неча-неча қават азамат бинолар қад кўтарган миллиард-миллиард тонна вазминликдаги бир шаҳри азимни, бепоён замини табиатнинг ваҳший кучи кўз олдингда силкитиб турса, албатта ҳар бир киши бир нафас даҳшат ва ҳайратга тушиши табиий бир ҳол. Шу бир нафас тошкентликлардан катта матонат ва чидамни талаб қиляпти. Тасанно ҳамшаҳарларимизнинг матонатига! Улар гангиб қолмадилар. Тошкент тупроғини азиз она юртимнинг тупроғи деб кўзларига суртдилар. Дўстларимиз олчаю-ўриклариимиз бульдозерлар тептекис қилган ерларда кўчаларга қўшилиб, чанг-тузон остида, ғарқ пишиб ётганлиги ҳам рост.

Начора!

Партиямиз, давлатимиз меҳрибонлик ва саховат билан болаларимизнинг бошини силаб, Ватанимизнинг турли бурчакларидаги энг гўзал лагерларда дам олиш учун жўнатди. Уйи вайрон бўлганларга тайёр бошпана, истаганларга бино қуриш учун ер, техникага ускуна, қурилиш материалларини ташиш учун машиналар ажратиб берди. Давлатимиз берган беминнат шу ёрдамни ҳам ўз вақтида уддалаб, аҳолига етказиб беролмаётган, одамларни сарсон қилаётган, манманликка берилиб кетган айрим амалпарастлар ҳали ҳам борки, шулар ҳақида бир-икки кўнгилсиз мисолларни келтиришга тўғри келади.

Шу кунларда ким билан кўришманг гап зилзилаю, уй-жой ҳақида. Қурилиш тўғрисида боради. Бири янги уйга жойлашиб олганлигини хурсандчилик билан гапирса, бири район страховканиеси билан раёнкомком ўртасида ҳатталаб қатнаб ишининг унмаётганлигидан шикоят қилади Шу гаплар сабаб бўлиб, ҳақиқий аҳволни билиш ниятида Чилонзор район страхование бўлимига бордим. Большевик кўчасига киришгандан кейин 40 даража иссиқ бўлишига қарамай, кўчага қараган қатор деразалар олдида турган аёллар, чоллар, кишиларга қўзингиз тушади. Одамларнинг қимматли вақтларини бекор сарфлаб, куни бўйи бу ерда туришларига сабаб бўлган айрим чалкашликларни тасаввур қилиш учун биттагина мисолнинг ўзи кифоя қилса керак. Давлат страхование инспекторлари тузган актлар асосида давлат ёрдами олиш учун ҳовли отасининг номида бўлган одам отасининг қачон ўлганлиги, ҳақиқатан ҳам ўша одамнинг „фарзанди эканлиги ҳақида ҳужжатга эга бўлиши, уй-жойи эрининг номида бўлган бева кампирлар эса бундан 40-50 йил олдин қилинган никоҳ қоғозини топиб келиши шарт эмиш. Буларни югуриб-елиб тўғрилаб келганингизда кейин эса минглаб кишиларнинг номи қайд қилиб, деворга осилган рўйхатдан номингиз бори-йўқлигини қидириб топишингиз, ундан кейин бошқа бир столга учрашиб, қанча миқдорда пул ажратилганлигини аниқлашингиз керак. Ана шундан кейин бошқа бир одам сизга уйингиз зилзиладан шикастланганлиги ҳақида справка ёзиб беради. Йўқ, бу билан ҳам қутулмайсиз. Энди бу ердан олган ҳужжатларнинг ёнига ҳовли плани, бир неча далилларни қўшиб, район ижроия комитети, суд ва нотариус ходимларидан иборат район қошида тузилган комиссияга боришингиз лозим бўлади. Булар эса бир неча кундан кейин уй-жойдан фойдаланувчи сиз эканлигингиз ҳақида справка беради. Наҳотки бу ишларни шунча овора-ғарғарчиликсиз қилиш мумкин бўлмаса. Ахир уй-жойдан фойдаланувчи ким эканлиги, ҳовли планида ва госстрах ҳақи тўланган страхование квитанцияларида жуда аниқ қилиб ёзиб қўйилган-ку. Страхование ҳақини марҳумлар эмас, тириклар тўлайди-ку. Ремонтни ҳам шулар қилиши керак.

Зилзила бўлганига мана икки ойдан ошиқ бўлишига қарамасдан, Чилонзор районида юзлаб одамлар тегишли ҳақларини ололганлари йўқ. Кўп аризалар эса йўқолиб кетган. Мен Профсоюз кўча, 62-уйда турувчи 70 ёшларга бориб қолган Абдугафур Абдуллаев. Олмазор кўчасида турувчи инқилоб ветерани Мансур Юсупов ва бошқаларнинг шикоятлари бўйича страхованиенинг ҳақ тўлаш бўйича бош инспектори ўртоқ Юрий Павлович Кочкаревга учрашдим. Бу одам мен билан гаплашишдан олдин қовоқ солиб, чимирилиб, менинг кимлигимни сўради. Ёзувчи эканлигимни айтдим. Ҳужжат талаб қилди.., барибир у мен билан дурустроқ гаплашмади. Қовоғини баттарроқ уюб олди...

Бу ерга одамлар Кочкаревнинг қовоғига қараш учун келган эмас. Зилзила уйларимизни вайрон қилган бўлса бу қўполлик эса жабрланган кишиларнинг дилига озор бераяпти.

Халқимизнинг «қўлингдан бермасанг, йўлингдан бер» деган мақоли бор. Шу кунларда бир-биримизга жон куйдириб, қайишишимиз керак. Ярим қулоч ёғочга иккитагина мих қоқишдан нарвоннинг зиналари пайдо бўлади. Кичик-кичик ғиштлардан азамат бинолар қад кўтаради. Мен ҳам ҳамшаҳарларимнинг бошига тушган ташвишга бирор меҳнатим билан ҳамдард бўлолсам, кишиларнинг азиз, ғаниматдамларини қадрига етмай, ҳали ҳам қоғозбозлик қилаётган айрим бюрократларга туртки берсам, халқимизнинг довюраклиги, матонатини арзигудек бир ширин сўз билан таъриф этолсам шу менинг учун катта бахт.

Кечаси ишлаб ўтирар эдим. бирданига қўшнимизнинг ҳовлисидан бир гала кабутар гурр этиб кўтарилди-ю, тунукага қўнди. Беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Хаёлимда атоқли журналист Песковнинг бир мақоласида — кабутарлар ер қимирлашидан хабар берармуш деган гаплари эсимга тушиб, ваҳима босди. Йўқ, ер қимирламади. Мана ярқираб тонг ота бошлади. Кабутарлар нурга чўмган кўм-кўк осмонни тутиб, парвоз қиларди, ўйнарди, тонгни қаршиларди. Уларга тикилдим-у, кўз олдимга жонажон Тошкентимизнинг порлоқ эртаси кўриниб кетди. Гўё бу кабутарлар эртамни қутлаб, осмонга бўй чўзиб, қуёшда ярқираб турган кўп қаватли азамат бинолар, кўм-кўк хиёбонлар устида севинч билан парвоз қилаётгандек кўринди. Бу кабутарлар шундан дарак берар эди.

Тошкент осмонида учар
кабутарлар,
Гўё келажакнинг бўлиб
кўзгуси —
Нурли қанотида акс этар эди
Тошкентнинг эртаси, гўзал
келгуси.




Тошкентимизнинг қайси томонига қараманг, кишилар меҳнат, яратиш, бунёд этиш билан банд. Янги Тошкентни яратишдек шарафли вазифа ҳозир азамат бинокорларимиз зиммасига тушган. Ўдар шаҳар жароҳатига тезроқ малҳам топиш, бошпанасиз қолган ёру-биродарларимизни тезроқ уй-жой билан таъминлаш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

Високовольтний массиви. Икки йилдирки, бинокорларимиз бу ерда кенг кўламда қурилиш ишларини олиб боришмоқда. Уларнинг толмас билаклари, шижоатлари билан массивда кўп қаватли уй-жойлар, маданий-маиший ва жамоат бинолари биринкетин бўй чўзмоқда. «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 20-қурилиш-монтаж бошқармасининг қўли гул бинокорлари ҳозир навбатдаги тўрт қаватли бинони пардоздан чиқаришаяпти. Сал нарирокда эса янги тиклаётган бино ғишти терилмоқда.

— Бошқармамиздаги ҳар бир бинокор 2—3 тадан касбни эгаллаб олган, — деб ҳикоя қилади бошқарма бошлиғи В. Подлипенец, — қураётган биноларимиз фақат ъзло баҳолар билан қабул қилинмоқда. Бинокорларимиз йил охиригача 40 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой ҳамда маданий-маиший биноларни фойдаланишга топшириш шиори остида ишлашмоқда.


Зилзиладан бошпанасиз қолган тошкентлик ёру-биродарлар, оғаинилар ва дўстлар қўлига 800 квартирасининг калитини совуқ тушмасдан топшириш қурувчилар ниятида. Григорий Золотухин, Полина Полуляк, Мирза Ҳамидов, Юрий Литвинов ўртоқлар бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасининг аъзамат бинокорлари шу мақсадда кунни тунга улаб меҳнат қилмоқдалар.

Д. УРИНБОСАРОВ.



Бир вақтлар осойишта, сокин бўлган Тошкент кўчаларида, хиёбонларида бугун экскаватор, кўтарма кран, баҳайбат машиналар, бульдозерларнинг гулдурос наъраси — меҳнат таронаси жаранглаб турибди. Шаҳар қурилишида энг замонавий техника бинокорларга кўмакдош.

Н. Меламед чизган расм.





Тошкент болалари учун

Республикамизнинг боғ-роғлари, энг сўлим жойлари қаҳрамон Тошкент болаларига ажратиб берилди. Улар эндиликда сувнинг, табиат оғушида дам олмоқдалар. Суратда: (чапда) шаҳардаги «Победа» парки кўлида болалар қайиқда сайр қилишяпти. Ўнгдаги сурат эса «Оқтош» санаторийсида олинган. Ҳозир бу санаторий болалар ихтиёрига топширилди.

Р. Шамсиддинов ва О. Левак фотолари.

ВЬЕТНАМДАГИ БОСҚИНЧИЛИК ТЎХТАТИЛСИН!

Қаҳр ва ғазаб

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси касаба союзларининг умум конфедерацияси баёнот эълон қилиб, Америка осмон қароқчиларининг вахшиёна ҳаракатларига қарши норозилик билдирди. Бу баёнотда конфедерация социалистик мамлакатларнинг ишчилар синфини, барча меҳнаткашларини ва касаба союз ташкилотларини, шунингдек халқаро ва миллий касаба союз ташкилотларини Америка империалистларининг жиноятларини қоралашга чақирди.

БУДАПЕШТ. Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси Америка агрессорлари нинг ёвузликларини кескин қораламоқда. Ханой ва Хайфон районлари бомбардимон қилинсин, деб буйруқ берган президент Жонсон, дейилади Жаҳон Демократик Ёшлар Федерациясининг баёнотида, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқнинг энг элементар нормалари қўпол равишда бузилаётганлиги учун шахсан жавобгардир.

Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси жаҳон ёшларини 1954 йилги Женева битимлари тузилганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган катта халқаро кампанияда актив қатнашишга чақиради. Федерация Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти таклифларига нисбатан бирдамлик билдириб, шу таклифларни қувватлашга чақиради ва бу таклифлар Вьетнам проблемасини ҳал этиш учун асос бўлиши мумкин, деб таъкидлайди.

ПРАГА. Чехословакия заводлари, фабрикалари, муассасаларида ўтказилаётган йиғилишларнинг қатнашчилари Америка империализми томонидан қилинган агрессив вахшиёна ҳаракатларни кескин қоралаб, ўзларининг қаҳр-ғазабларини изҳор қилмоқдалар.

Жонсон ҳукуматининг буйругига биноан қилинган янги жиноятга жавобан жаҳон жамоатчилиги шундай жавоб бериши керакки, деб ёзади «Руде Право» газетаси, бу жавоб АҚШни Вьетнамдаги агрессив урушнинг янада кенгайтирилишини тўхтатишга мажбур қиладиган бўлсин.

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг ишчилари, деҳқонлари, олимлари, маданият арбоблари, студентлари, республика аҳолисининг барча табақалари ўзларининг йиғилишлари ва митингларида Ханой атрофидаги жойлар ва Хайфон порти америка авиацияси томонидан бомбардимон қилинаётганлигига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар ва америка агрессиясини тўхтатишни талаб этмоқдалар.

Демократик Германия миллий фронтининг Миллий Кенгаши ўзининг баёнотида ҳар иккала герман давлати гражданларига мурожаат қилиб, уларни АҚШнинг Вьетнамдаги жинояткорона урушига қарши курашни авж олдиришга чақирди.

ПХЕНЬЯН. Корея Марказий телеграф агентлиги хабар беради: Пхеньяндаги тўқимачилик комбинатида, ёқилғи билан ишлайдиган электростанцияда ва бинокорлик материаллари заводида оммавий митинглар ўтказилди. Ҳамма митингларда «Америка империалистлари, Вьетнамдан қўлингни торт» деб талаб қилинди.

Америка самолётлари Ханой ва Хайфон атрофини бомбардимон қилганлиги, деб ёзади «Нодон Синмун» газетаси, социалистик лагерь халқларига ва бутун дунё халқларига қарши жинояткорона хуруждир. Барча социалистик мамлакатлар ва жаҳоннинг революцион халқлари Америка империалистларининг Вьетнамдаги агрессиясини барбод қилмоқ учун, деб ёзади газета, шу империалистларга қарши курашда бирликни мустаҳкамлаб, кескин ҳаракат қилишлари лозим.

ДЕҲЛИ. «Амрита Базар патрика» деган ҳинд газетаси бундай деб ёзади: «Агар АҚШ Шимолий Вьетнамга қилинаётган авиация ҳужумлари урушнинг боришини ўзгартиради, деб ҳисоблаётган бўлса, жуда катта хато қилмоқда. Бу ҳужумлар граждан аҳолиси орасида жуда кўп қурбонлар бўлишигагина олиб келади. АҚШ бу жирканч ва шафқатсиз урушда охирги чегарадан ҳам ошиб кетди». Ҳиндистондаги яна бир газета — «Фри Пресс Жорнэл» газетаси «Ханой ва Хайфон бомбардимон қилинганлигига нисбатан дарҳол бутун дунёда қаҳр-ғазаб кучайиб кетди, Қўшма Штатлар билиб туриб ва атайин шафқатсизлик қилишга киришганлиги ҳаммасининг қаҳр-газабини қўзғатди», деб ёзмоқда. «Вашингтон уруш ва агрессиянинг бирдан-бир ташкилотчиси бўлаётганлиги билан деб ёзади газета, ўзини маданий дунёда яккалаб қўйди».

Ҳиндистоннинг собиқ мудофаа министри Кришна Менон Деҳлида ўтказилган кўп минг кишилик митингда сўзга чиқиб, «АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган уруши Осиё ва Африкадаги барча мамлакатлар халқларининг озодлигини хавф остида қолдирди», деди. Кришна Менон Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишлар дарҳол тўхтатилишини талаб этди. Бомбай ва Калькуттадаги минглаб ишчилар ва студентлар Американинг Вьетнамдаги агрессияси кенгайтирилаётганлигига қарши норозилик намойишида қатнашдилар.

ЖАЗОИР. Жазоир ташқи ишлар министрлигининг вакили «Қўшма Штатлар Вьетнамдаги урушни кенгайтиришдан иборат хатарли йўлда яна бир қадам қўйди», деди. «Бу янги агрессив ҳаракат» урушни охирги ғалабагача давом эттириш тарафдорлари халқнинг ўз мустақиллигини ва ўз мамлакатининг бирлигини сақлаб қолишга бўлган қатъий продасини зўрлик ва террор йўли билан синдириш мумкин эмаслигини тушунмаётганликларини жуда яққол кўрсатиб турибди», деди Жазоир ташқи ишлар министрлигининг вакили.

БОГОТА. Колумбия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети баёнот эълон қилиб, «АҚШ агрессорлари томонидан Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган жирканч урушни» қоралади. «Бутун дунёдаги тинчликни хавф остида қолдираётган АҚШнинг агрессиясига қарши колумбияликлар ўзларининг норозиликларини билдиришлари зарур»,—дейилади баёнотда.

Колумбия Компартиясининг Марказий Комитети мамлакатдаги оммавий ташкилотларни ва барча ватанпарварларни Вьетнам халқининг қаҳрамонона курашини қўллаб-қувватлашга чақирди. (ТАСС).

Квартира ҳақи ошмоқда

ПАРИЖ. Испанияда квартира ҳақи биринчи июлдан бошлаб яна анча оширилди. Бу ерга келган «Вангуардиа эспаньола» газетасида ёзилган хабарга қараганда, «расмий давлат бюллетенида» июнь ойининг ўрталарида эълон қилинган декретга мувофиқ, квартира учун тўланадиган ҳақ 20 процентгача кўпайтирилади.

Икки ёқлама камситиш қурбонлари

Гражданлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун қандай амалга оширилаётганлиги ни и АҚШ маориф, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги текшириб чиқди. Текшириш натижалари аянчли эканлиги маълум бўлди. Негрларнинг болалари ҳали ҳам икки ёқлама камситишнинг — иқтисодий ва ирқий камситишнинг қурбони бўлмоқдалар. АҚШнинг негр аҳолиси орасида ўқимишли кишилар оқ танли аҳолига қараганда анча кам, бу тафовут эса, тобора кўпайиб бормоқда. Негрларнинг мактаблари яхши жиҳозланган эмас ва оқ танлиларнинг болалари учун очилган мактабларга нисбатан ўқитувчилар билан яхши таъминланган эмас.

Негр болалар 6-синфга чиққунча маълумот даражаси жиҳатидан оқ танли болаларга нисбатан бир ярим йил, 12-синфда эса қарийб 3,5 йил орқада қолмоқдалар.

Қисқа хабарлар

● **ЛОНДОН. Рейтер агентлиги мухбирининг Тайбэйдан берган хабарида айтилишича, АҚШ давлат секретари Дин Раск Чан Кай Ши билан музокаралар олиб бормоқ учун Тайванга келган.**

● **ЛОНДОН. Англия мудофаа министри Ф. Хили икки ҳафталик визит билан Лондондан узоқ шарқ мамлакатларига жўнаб кетди. Д. Хили Сингапурга, Гонконгга ва Малайзияга боради.**

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

Ирок бош министрининг матбуот конференцияси

ЛОНДОН. Ирок бош министри Абдил Раҳмон Ал-баззоз, армия билан халқ 100 га яқин киши қатнашган ва муваффақиятсиз бўлиб чиққан тўнтариш раҳбарларининг даъватига қулоқ солмади, деди. Рейтер агентлигининг ҳабарида айтилишича, бош министр Бағдод радиоси орқали эшиттирилган матбуот конференциясида шу гапларни айтди.

Баззоз шу тўнтаришга уриниш муносабати билан 50 кишн қамоққа олинганлигини, шу жумладан уларнинг раҳбари, ҳарбий ҳаво кучларининг собиқ қўмондони Ориф Абдил Раззоқ ҳам қамоққа олинганлигини айтди.

Бош министр. Ирок қўшни мамлакатлар билан, шу жумладан, Туркия ва Эрон билан дўстона муносабатларда бўлишга интилмоқда, деди.

ИРОҚ БОШ МИНИСТРИ ТУРКИЯГА КЕЛДИ

АНҚАРА. Ирок бош министри Абдил Раҳмон Ал-баззоз 7 кунлик расмий визит билан бу ерга келди. У мухбирларга, Ирок ҳукумати мамлакатни тўла равишда ўз қўлида ушлаб турибди, деди.

● ● ●

Американинг Жанубий Вьетнам, Таиланддаги базалари ва 7-флот кемаларида жойлашган самолётларидан катта-катта группалари Вьетнам Демократик Республикаси ҳаво чегараларини бузиб ўтиб аҳоли яшайдиган жойларни, саноат объектларини бомбардировка қилмоқда. аҳолини ўққа тутмоқда. Суратда: Ханойдан 87 километр жанубда жойлашган Нам Динь шаҳрининг аҳолиси бомба тагида қолиб вайрон бўлган уйни тозаламоқда.

ТАСС фотохроникаси.

● ● ●

Жазоир миллий банкини очиш маросими

ЖАЗОИР. Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион кенгашининг декретига мувофиқ, бу ерда ташкил этилган жазоир миллий банкини очиш маросими бўлди.

Бу банк ёш давлат экономикасини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб қолади. У, асосан ижтимоий ва ўз-ўзини бошқарувчи секторларга қарашли корхоналарни кредитлаш органи бўлади.

Яқин фурсатда бутун мамлакатда бу банкнинг 60 та бўлими ва агентликлари очилади. Булар халқ хўжалигининг энг хилма-хил тармоқлари билан муомала қилади.

ЮГОСЛАВИЯ СОЦИАЛИСТИК ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА АМНИСТИЯ

БЕЛГРАД. (ТАСС). Миллий байрам — курашчилар куни муносабати билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти И. Броз-Тито ҳукм этилган кишилардан 776 кишининг гуноҳини кечишга қарор қилди. Шулардан 227 киши жазодан бутунлай озод қилинди, қолганларининг жазо чоралари камайтирилади.

Ер остидаги энергиянинг хуружи

ТОШКЕНТ, 4 июль. (ТАСС мухбири Н. Моисеев). Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси бугунги оқшомни бесаранжомлик билан ўтказди. Маҳаллий вақт билан соат 20 дан 22 минут ўтганда содир бўлган кучли силкиниш ер остида қаттиқ гулдурос ҳосил қилди. Сейсмологлар лентани олишганида тебраниш кучи 7 баллдан ошиб кетганлиги маълум бўлди. Бу шу йил 26 апрелдан кейин Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи кучли зилзиладир. Аввалги зилзилада шаҳарга катта зарар етган эди.

Шундан кейин бир соату ўн уч минут давомида яна тўққиз марта ер қимирлади. Унинг қуввати 5—6 баллдан тортиб икки ва бундан камроқ баллгача бўлди.

Ўзбекистон жамоат тартибини сақлаш министрлигида ТАСС мухбирига маълум қилишларича, ер остидаги энергиянинг янги хуружи вақтида қурбонлар бўлмаган. Шаҳардаги ҳамма тармоқлар оператив ишлаб турган. Дастлабки икки соатда 73 кишига медицина ёрдами кўрсатилган. Шулардан 63 киши юрак касалига мубтало бўлган кишилардир. Эски иморатлар орасида вайрон бўлганлари бор.



Спартакиада байроғи ҳилпирамоқда

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИ КОМАНДАЛАРИ ОЛДИНДА

Шу кунларда республикамизнинг 16 шаҳри спорт базаларида катталар ўртасида XIII Умумўзбек спартакиадаси ва XIX республика мактаб ўқувчилари спартакиадаси мусобақалари ўтказилмоқда. Бу спартакиадаларнинг характерли хусусиятлари унинг оммавийлигидадир. Мусобақалар фабрика, завод, колхоз, совхозлар, муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар физкультура коллективларида бошланган эди. Сўнгра район шаҳар ва область спартакиадалари бўлиб ўтди.

Дастлабки ҳисобларга кўра, XIII Умумўзбек спартакиадасининг биринчи босқичидаёқ бир миллиондан ортиқ киши қатнашди. Областимизда мусобақалар уюшқоқлик билан ўтказилди. Спартакиаданинг биринчи босқичида 70 минг киши иштирок этди. 80 киши 1 спорт разрядини бажарди. Район ва шаҳар спартакиадаларида 45 та янги рекорд қўйилди.

Областимизнинг турли шаҳарларида ўтказилган бу мусобақаларда Чирчиқ шаҳар спортчилари ғалаба қозондилар.

Бу йилги спартакиада илгариги йиллардагидан бирмунча фарқ қилади. Ҳамма областлар иккита мустақил группага бўлинган. Биринчи группада олти область, шу жумладан Тошкент шаҳри ва Тошкент области спортчилари мусобақалашмоқда. Умумкоманда ҳисоби катталар ва мактаб ўқувчилари тўплаган очколар сонига қараб аниқланади. Мактаб ўқувчилари ва катталарнинг спортнинг бир хил тури бўйича мусобақаси бир шаҳарда ўтказилмоқда. Бу ёшларнинг маҳоратли спортчилардан ўрганишига ёрдам беради.

Спартакиаданинг финал қисмида 5 мингга яқин спортчи иштирок этмоқда. Улар республикамизнинг ҳамма областлари вакилларидир. Биринчи группада команда биринчилиги катталар ўртасида спортнинг 17 тури бўйича, мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг 19 тури бўйича ўтказилмоқда.

Енгил атлетика, сузиш, спорт гимнастикаси, қиличбозлик, отиш мусобақалари тамом бўлди. Бу мусобақаларда Тошкент шаҳри ва области спортчилари ўрнак бўлдилар. Тошкентлик спортчилар умумкоманда ҳисобида спортнинг бу турлари бўйича биринчи ўринларни, областимиз командалари эса иккинчи ўринларни, фақат отишдан учинчи ўринни эгалладилар. Бир қатор спортчилар яхши натижалар кўрсатишди. Енгил атлетикада В. Терешченкова (Тошкент области) янги республика рекорди қўйди. У ядрони 14 метр 94 сантиметрга улоқтирди. Тошкентлик ўн курашчи В. Нечаев унинг изидан бориб рекордлар жадвалига ўзгартиш киритди. У 6305 очко тўплади. З. Бирюкова, Р. Бабич, А. Юсупова ва С. Арзумановадан ташкил топган Тошкентнинг аёллар командаси эса 4×200 метрга эстафетали югуришда ЎзССР рекордини қўйди — 1 минут 42,5 секунд.

Навоий шаҳрида қизлар ўртасида тошкентлик мактаб ўқувчиси Лидия Крутикова икки янги рекорд қўйди. 200 метрга комплекс сузишда у 2 минут 51,5 секунд, 400 метрга сузишда эса 6 минут 4 секунд натижа кўрсатди.

Мерганларимиз ҳам четда қолишмади. Тошкентлик спорт мастери Сергей Рибченко иккита машқда республика чемпиони бўлди. МВ 5 машқида эса Ўзбекистоннинг янги рекордини қўйди. 600 имкониятдан 572 очко олди.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган қиличбозлик мусобақаларида Тошкентдан борган ҳамма спортчилар республика чемпиони бўлишди. Улар К. Абдуразоқов, Ю. Раздайбедин ва В. Тюлькин, А. Яковлевалардир.

Чирчиқлик спортчи Н. Мяус Ўзбекистоннинг 1966 йилги абсолют чемпиони номини олди. Эркаклар ўртасида бу номга тошкентлик спорт мастери Р. Сиркин сазовор бўлди.

Бугун республикамизнинг ҳамма шаҳарларида сўнгги кўрашлар бўлиб ўтади. Команда ҳисобида ҳам, шахсий ҳисобда ҳам ғолиблар аниқланади. Теннис ва чавандозлик мусобақалари эса 8 июлда тугайди.

Ҳозир турнир жадвалида умумкоманда ҳисобида аҳвол қуйидагича: Тошкент шаҳри — 170 очко, Тошкент области — 136 очко, Андижон области — 88, Фарғона области — 82, Самарқанд области — 80, Бухоро области — 67,5 очкога эга.

8 июль соат 20 дан 50 минут ўтганда Тошкент телевидение студияси орқали спартакиаданинг тантанали ёпилиши бўлади ва ғолибларга мукофотлар топширилади.

П. КОНОВАЛОВ,
Бутунитгифоқ категорияли судья.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Юлдузча** тележурнали, 19.00 — **Спорт янгиликлари**, 19.20 — **Долзарб кунлар** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.40 — **Концерт.** 20.30 — **Эртаги кун программаси**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Здоровье** (илмий-оммабоп программа), 21.30 — **Виждон нечирмайди** (бадиий телефильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Пионерлар нанинули** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Тошкент янгиликлари**, 18.45 — **Закарпатье халқ хори**, 19.10 — **Ҳамиша бирга** (телеочерк), 19.30 — **Ингланган қайиннар** (телефильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Техника ва гўзаллик** (илмий-оммабоп фильм), 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Она шаҳрим** — **Тошкентим** («Ёшлик» студияси), 21.30 — **Солдат қалби** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Виждон — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Вундеркиндлар учун орден — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11 ва кундуз 1 да).

Ёз ҳикоялари (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), **Макс Линдер компанияси** (кундуз 4, кеч 8 ва 9-45 минутда)— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Лимонадли Жо — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Росалия мантублари — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Том тоғанинг кулбаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6-15 ва 9-15 минутда).

Солдат отаси — НАВОИЙ номли (кеч соат 8-20 минут ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 ярим да) **Виждон** — «ФЕСТИВАЛЬ», НАВОИЙ номли (кеч соат 8-45 минутда).

Кларнетлар садоси — КАФАНОВ номли.

Мартаба — «ВАТАН».

Лушка — «УДАРНИК».

Етти азамат — ПУШКИН номли.

ТОШКЕНТ ВАГОН-РЕСТОРАНЛАР КОРХОНАСИГА

ошпазлар, идиш-товоқчи аёллар, ошхона ишчилари, уборшчицалар, омборчилар, кассирлар, склад мудири, калькуляторлар, старший бухгалтерлар, ҳисобчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Привокзальная кўчаси, 9-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ ОРСига

юкчилар (ишбайга), **русча машинистка, сотувчилар, буфетчи-лотокчилар, ошпазлар, старший бухгалтерлар, ёрдамчи ишчилар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссе, 13/9-уйда (товар ховлиси ёнида) кадрлар бўлимига учрашилсин (7, 12-автобусда сквердан Товар ҳовлисигача).

«Узглавлесстрой»нинг 1-ЁҒОЧСОЗЛИК ЗАВОДИГА

бухгалтерлар, дурадгорлар, станокчилар, бўёқчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 47-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин. Телефон 5-06-65.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05840. ИНДЕКС 64969. Г. 1152.